TOSHKENT SHAHAR YUNUSOBOD TUMAN HOKIMI
Q A R O R I

2022 - yil 25 - iyun 288-14-206-Q/22 Yunusobod tuman hokimligi

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 26 апрелдаги “Тошкент шаҳрида ер участкаларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 429-14-0-Q/22-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасига ва “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-708-сонли Қонунининг 6-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармонига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2021 йил 6 августдаги 02-2422-сонли топшириғи ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 26 апрелдаги 429-14-0-Q/22-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2021 йил 6 августдаги 02-2422-сонли топшириғи ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳрида ер участкаларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2022 йил 26 апрелдаги 429-14-0-Q/22-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокими ўринбосари в.б М.Рахимов

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддасида назарда тутилган

ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар билан ер участкаларини ижарага бериш шартномалари иловадаги намунавий шаклда тузилиши;

жисмоний ва юридик шахслар билан ер участкаларини ижарага бериш шартномалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шаффоф расмийлаштирилиши таъминлансин.

3. Белгилансинки, Тошкент шаҳрида ер ижара шартномалари ер участкаларини инвентаризациядан ўтказиш ишлари давомида юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларига асосан қуйидаги ҳолларда тузилади:

Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкасини ижарага ажратиб бериш ҳақидаги қарори мавжуд бўлганда;

ер участкасини ижара ҳуқуқи асосида «E-auksion» электрон савдо платформасида ўтказилган электрон аукцион натижалари ҳақида баённомаси мавжуд бўлганда;

алоҳида жойлашган ер участкасидаги бино-иншоотларга нисбатан мулк, хўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқи юзага келганлигини, шунингдек, бу каби ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатда ердан фойдаланиш ҳуқуқ тури белгиланмаган ҳолларда.

4. Давлат кадастрлар палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Юнусобод тумани филиали бошлиғи (А.Исмаилов):

ўрнатилган тартибда туман ҳокимлиги томонидан тузилган ва тасдиқланган ер участкаларини ижарага бериш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказилиши, ҳисобини юритилиши таъминлансин.

5. Меъёрий ҳужжатларга зид равишда расмийлаштирилган ижара шартномалари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик белгилаб қўйилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 31 декабрдаги “Тошкент шаҳри ҳудудида ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 1068-сонли қарори ўз кучини йўқотганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари в.б М.Рахимов зиммасига юклатилсин.

Юнусобод туман ҳокими **Б.Абдувалиев**